



**«ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАГИ
МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН
Фойдаланиш асосида импорт ўрнини
босувчи маҳсулотлар ишлаб
чиқаришнинг долзарб масалалари»
мавзусида республика илмий-амалий
конференцияси**

МАТЕРИАЛАРИ

(2017 йил 27-28 апрел)



НАМАНҒАН -2017

102	ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ-АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Казаков О.С.-НамМТИ	222
103	ЕР СУВ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ-ЭКОЛОГИК МУАММОНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ. И.Махкамов, Т.Махмудов - НамМТИ	224
104	АГРОСАНОАТ МАЖМУИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ -ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОМАШЁЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ГАРОВИ. Б. Дедажанов и.ф.н., доц. НамМТИ	227
105	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ. Б.Дедажанов и.ф.н., доц.,Р. Каримжанова катта ўқитувчи - НамМТИ	229
106	ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ХОМ АШЁСИ ВА САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ М.А. Абдурахманов, С.Ш.Бахриддинов - НамМТИ	231
107	ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР Казаков О. С., Мадияров Ғ., Убайдуллаев Л. - НамМТИ	234
108	НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ, ТОҒОЛДИ ХУДУДЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ. Давлятов А., Қозоқов С. О. талаба Наманган муҳандислик технология институти	237
109	ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАГИ МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. И.ф.н., доцентлари Ғ.Мадияров, О.С. Казаков, Л.Убайдуллаев - НамМТИ	239
110	КОСОНСОЙ ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ. М.М. Ҳамраев Косонсой Давлат ўрмон хўжалиги ўрмон устаси, Казаков О.С. - НамМТИ	241
V– ШҶЪБА:		
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ САНОАТИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ		
111	ОДДИЙ ХАЙДАШ ҚУРИЛМАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ПОЛИЭТИЛЕН МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СИНОВ ТАЖРИБА ҚУРИЛМА КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ. Ж.М. Қодирхонов ассистент, Бахриддинова Ш.Р. талаба - НамМТИ	243

- тизими имкониятларидан кенг фойдаланиш, соҳага узоқ муддатли кредитларни жалб этиш;
- вилоятлар миқёсида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришини кенгайтиришнинг мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва изчил равишда бажариш орқали минтақаларда қурилиш тизимини ривожлантириш;
- минтақаларда маҳаллий хом-ашёларга таянган ҳолда аҳолини деворбоп қурилиш материаллари бўлган эҳтиёжларини қондириш;
- қурилиш индустрияси учун хом-ашё материалларини ишлаб чиқариш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш;
- вилоятларида замонавий бозор инфратузилмасининг қурилиш индустрияси ривожланишидаги ролини ошириш.

Фойдаланган адабиётлар

1. Долимов Т. Н., Шаякубов Т.Ш. и др., Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистана, Т., 1998.
2. Абдужаббаров А.А. Развитие строиндустрии в сельской местности как фактор регионального развития.-Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста.-Ташкент.: SMI-ASIA, 2011, стр. 425.

ФАРҶОНА ВОДИЙСИ ХУДУДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Казаков О. С., Мадияров Ғ., Убайдуллаев Л.

Наманган муҳандислик технология институти доцентлари

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари олиб борилаётган иқтисодий сиёсат барча соҳа ва тармоқларни ривожлантиришни амалга ошириш ва бу орқали аҳолининг турмуш даражасини янада юқорироқ поғонага кўтариш, унинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга йўналтирилмоқда. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда улардаги экотизимни янада яхшилаш орқали бу ҳудудларда туризмни ривожлантириш масалалари ушбу йўналишга катта хисса қўшиши мумкин. Бу масала бугунги вақтда долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Мамлакатимиз раҳбарияти ва Президентимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасини кейинги йилларда янада жадал суръатларда ривожлантириш масаласи қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида туризм соҳаси бўйича қуйидагилар таъкидланди:

“Охирги йилларда туризмдек муҳим соҳа комплекс раҳбарининг зарур даражадаги эътиборидан четда қолиб кетди. Бу хатони сўзсиз ва энг муҳими, натижали равишда тўғрилаш керак. Биз ҳозир фақат туризмни ривожлантириш билан шуғулланадиган тузилмага доир масалаларни тасдиқладик.

Бу чоралар туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига кўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта захираларини тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан кучайтирилиши зарур.”¹

Мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларида туризм жадал ривожланмоқда. Шу билан биргаликда баъзи бир ҳудудларда туризмнинг ривожланиши бирмунча суст амалга ошмоқда. Фарғона водийсининг вилоятларида туризмни ривожлантиришнинг кўплаб имкониятлари бор бўлишига қарамадан улардан фойдаланиш даражаси паст бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган ҳудудлардан бири ҳисобланган Фарғона водийсида туризмни ривожлантиришнинг кўплаб омиллари мавжуд бўлиб, уларни таҳлил қилиш асосида фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин. Фарғона водийси табиати ўзига хослиги билан ажралиб туради. Фарғона водийси деярли тўрт томондан Чотқол, Қурама, Фарғона, Олой ва бошқа тоғ тизмалари билан ўралган бўлиб, фақат ғарбда, “Хўжанд дарвозаси” орқали у Ўрта Осиёнинг текислик қисмига чиқади. Маъмурий жиҳатдан водий мураккаб, трансчегаравий ҳудуд саналади. Фарғона водийсида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларининг Андижон, Фарғона, Наманган, Ўш, Жалолобод, Боткон ва Сўғд вилоятлари жойлашган.

Тадқиқотларимизда Фарғона водийсининг мамлакатимизга қаршли бўлган қисми ўрганилади. Фарғона водийсининг бу қисмига Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари киради. Бу вилоятларнинг ҳудуди 18,5 минг кв. км. ёки республика умумий майдонининг 4,1 фоизини ташкил қилади. Фарғона водийсининг ҳудуди нисбатан кичик бўлиб, у Самарқанд ёки Тошкент вилоятларидан биров каттароқ, Жиззах ёки Сурхондарё вилоятларига сал яқинроқ. Фарғона водийсида 2014 йил маълумотларига кўра, 8284,0 минг киши яшайди. Бу мамлакатимиз жами аҳолисининг 28,5 фоизини ташкил этади.

Фарғона водийси ҳудуди қадимдан деҳқончилик, савдо ҳамда хунармандчилик ривожланган ҳудудлардан ҳисобланади. Фарғона водийси аҳолининг зич жойлашуви бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ мамлакатларида ҳам кескин ажралиб туради.

Фарғона водийсини унинг шаҳарлари, дарёлари ва сойлари, ирригация шаҳобчалари – каналлар, қишлоқлари, тоғ ва тоғолди ҳудудларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фарғона водийсида жойлашган мамлакатимизнинг йирик вилоятлари ҳисобланган Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг барчасида кўплаб тоғ ва тоғолди ҳудудлари жойлашган бўлиб, уларнинг ҳаммасининг ўзига хос табиати мавжуд, Уларнинг иқлим шароитлари ва тупроғининг хусусиятлари ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу

¹ Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 й.

худудларда кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш ва ўтказилган тадқиқотлар асосида уларни ва улардаги экотизимни сақлаш ва янада яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳозирги даврдаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсининг тоғ ва тоғолди худудларида туризмни ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисини ва хорижлик меҳмонларни жалб қилиш имконияти юзага келиши мумкин. Инсонлар ҳамма вақт табиатга интилиб келганлар, у билан уйғун бўлишга, ундан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилганлар.

Фарғона водийсида бу каби имкониятларни яратиш ва улардан фойдаланиш учун унинг худудларида мавжуд меҳнат ва агроиклимий ресурслар, минерал хом ашё ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланишни талаб қилади. Водийда жойлашган вилоятларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган хусусиятларга эга бўлиб, бу тадқиқотларда ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш зарур бўлади.

Наманган вилояти Фарғона водийсининг энг катта ҳудуди ҳисобланади. Вилоятнинг майдони 7,44 минг кв. км. ни ташкил қилади. Бу Фарғона водийсининг 40,2 фоизи, мамлакатимизнинг 1,6 фоиз майдони демакдир.

Аҳолиси, 2015 йилдаги маълумотларига қараганда, 2259,0 минг киши ёки республика аҳолисининг 8,1 фоизи шу минтақада яшайди. Республика миқёсида Наманган вилояти аҳолиси зич жойлашган худудлар қаторига киради.

Мамлакат меҳнат тақсимоотида Наманган вилояти, энг аввало, деҳқончилик (пахта, пилла, мева етиштириш), енгил ва озиқ-овқат саноатига ихтисослашган. У республика ялпи ҳудудий маҳсулотининг 3,9, халқ истеъмол молларининг 3,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 7,2, чакана савдо ҳажмининг 6,0 фоизини беради.

Вилоят ҳудудининг ярмидан кўпроғи тоғ ва тоғолди районларидан ташкил топган. Бу ерда адир минтақаси кўшни вилоятларга қараганда кенг тарқалган ва у боғдорчилик, узумчилик ҳамда чорвачилик учун қулай ҳисобланади. Шу жиҳатдан Наманган вилоятининг ер фонди ҳам каттароқ. Бироқ, унинг энг чекка шимоли-ғарбий қисми баланд тоғликлардан иборат (баландлиги 4000 метргача етади). Наманган вилоятидаги Поп туманининг энг чекка шимоли-ғарбий қисмида 4008 метр баландликдаги жойлар бор.

Вилоятнинг ғарбий ва шимолий қисмида Чотқол, Курама ҳамда Фарғона тизмалари Ғарбий Тянь-Шан тоғ тизмалари мавжуд. Уларнинг асосий қисми Поп туманида кузатилади. Ушбу туманнинг ер усти тузилиши анча мураккаб бўлиб, баландлик амплитудаси энг жанубдаги 365-367 м. баландликдан 4008 м. нуқталар доирасида 3640 метрга тенг. Наманган вилоятининг Поп тумани республикамизда типик тоғли худудлар қаторига киради.

Фарғона водийси, шу жумладан Наманган вилояти табиий бойликларига унинг дори-дармон учун фойдаланиладиган турли хил шифобахш ўтлари ҳамда рекреация масканларини ҳам киритиш мумкин. Бундай дам олиш масканларига Чортоқ, Поп туманидаги Парда Турсун,

Косонсой сихатгоҳлари, Янгиқўрғон, Чуст туманларининг гўзал ландшафтлари мисол бўла олади.

Фарғона водийсининг тоғ ва тоғолди худудларида тупроқнинг таркибини ўрганиш орқали ҳамда куз-қиш фаслларидаги ёғингарчиликлар микдорини ва бошқа хусусиятларни ўрганиш асосида, шу хусусиятларга мос келадиган турли кўчатларни экиш натижасида боғлар, ўрмонлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги вақтда тоғ ва тоғолди худудларининг фақатгина айрим қисмларигина ўрганилган ва улардан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида фойдаланилмоқда. Биз ўрганмоқчи бўлган худуд жуда катта майдонни ташкил этади. Бу худудда табиатига мос келадиган жийда, ёнғоқ, pista, саксовул ва бошқа шу каби дарахтларни экиш орқали уларда боғлар юзага келади. Бу худудларда аҳоли дам олиш масканларини яратиш ҳамда туристлар келиб томоша қилиб, дам олиб кетиши мумкин бўлган дам олиш масканларини яратиш мақсадга мувофиқдир. Дарахтларни парваришlash орқали бу худудлардаги тупроқ эрозияси даражаси пасайиб боради, улардаги табиат гўзаллашиб туристларга завқ-шавқ улашади. Табиий дам олиш масканларини яратиш билан бирга уларда туристлар учун зарур бўлган барча қулайликларни юзага келтириш лозим бўлади. Шу билан биргаликда бундай дам олиш ва томоша қилиш масканларини кенг миқёсда рекламасини ташкил этилиши уларга туристларни жалб қилиши мумкин бўлади.

Мамлакатимизнинг тоғ ва тоғолди худудларини ўрганиш ва уларда бу каби боғларни яратиш ҳамда туристик мажмуаларни юзага келтириш тоғ ва тоғолди худудларининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини орттиради ва ялпи ички маҳсулотни янада орттириш учун манба бўлиб хизмат қилади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ, ТОҒОЛДИ ХУДУДЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Давлятов А., Қозоқов С. О. талаба

Наманган муҳандислик технология институти

Наманган вилояти Ўзбекистоннинг аҳоли зич жойлашган худудларидан биридир. Унда пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик ва узумчиликдан иборат қишлоқ хўжалиги мавжуддир. Вилоятнинг ўрмон билан қопланган қисми жуда кам майдонни ташкил этади. Вилоятдаги ўрмонлар майда майдонлардан иборат бўлиб, турли жойларда жойлашган. Ўрмон массивлари ҳам нисбатан кичик майдонларда жойлашган бўлиб, асосан Поп ўрмон хўжалигидаги тўқай ўрмонларидан иборатдир.

Физик-географик худудлаштириш бўйича Наманган вилояти чўл худудида (Марказий Осиёдаги), Помир-Тянь-Шан худудида Фарғона худудида ва Марказий худудларда жойлашган.

Наманган вилоятидаги суғорилмайдиган майдонлар тоғолди, водий ва чўл худудларидан иборат.

Ўрмон худудининг тупроқ тузилиши турли худудларда турличадир. Асосан уч хил тупроқ тузилишига эга.